

**ШАХСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ****Халимов Азамат Толибжонович***Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 2-курс магистри*

Аннотация: Республика иқтисодиётининг муҳим драйвери сифатида қаралаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг барқарор ривожланиши унинг иқтисодий хавфсизлигига чамбарчас боғлиқдир.

Калит сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, кичик бизнес, тизимли таҳлил, тадбиркорлик субъектлари, хавфсизликка таҳдид, товламачилик.

Жаҳон хўжалиги тизимида глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнлари кучайиб, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви чуқурлашиб бораётган бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиёт ривожланишида, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан илмий ва иқтисодий адабиётларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, мезонлари, уни давлат томонидан қўллабқувватлаш механизми, молиялаштириш масалаларига алоҳида ўрин ажратилмоқда. Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш уни назарий жиҳатдан асослашдан бошланади. Амалиёт эса унга тегишли ўзгартиришлар ва тузатишлар киритади. Шу нуқтаи назардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши муаммосини тадқиқ этаётганда, аввало, унинг моҳияти, сифат ва миқдорий мезонларини ўрганиш зарур. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик инглиз тилидаги адабиётларда «small business», «private enterprenourship» деб юритилади. Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий бўғин ва амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланади. Бозор иқтисодиётининг жаҳон миқёсида жадал суръатларда ривожланиб бориши табиий равишда тадбиркорлик фаолиятида унинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи муқаррар муаммоларни юзага келтиради. Муайян иқтисодий хавф-ҳатарлар, агар вақтида уларнинг олдини олиш чораси кўрилмаса, ҳар қандай гуркираётган бизнесни ҳам жуда қисқа муддатда инқирозга юз тутишига сабаб бўлиши табиий.

Шу нуқтаи назардан замонавий коммуникацион технологиялар асрида исталган соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи зарур ҳисоблангани каби, айти вақтда бизнес эгаларига ўз бизнесини янада ривожлантириш учун унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, мамлакат ЯИМнинг асосий қисмини ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва шу асосда соҳани ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун мамлакат миқёсида соғлом рақобат, кучли ишбилармонлик инфратузилмасини яратиши муҳим саналади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йил 27



июлда имзоланган “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сонли фармони давлат томонидан тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Шу нуқтаи назардан жаҳон молиявий инқирози даврида ривожланган давлатлар айти соҳада йўл қўйган хатоларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётининг муҳим драйверларини иқтисодий жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаши лозим бўлади.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги унинг шахсий фаровонлиги, бойлиги даражасидан, жамият ва давлат миқёсида тутган ўрнидан қатъий назар ҳар бир инсон ҳаёт фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шахснинг иқтисодий хавфсизлиги шахснинг ижтимоий жиҳатдан ривожланиши, камол топиши ва ҳаётининг манфаатларининг кафолатли ҳимояланишини таъминлайдиган ҳолатидир. Шу боисдан шахснинг иқтисодий хавфсизлиги ҳар бир инсон учун ҳаётда муваффақият, фаровонликка эришганлигининг ҳамда жамиятда барқарор мавқега эга бўлганлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Шахс иқтисодий хавфсизлигининг объекти шахснинг ўзи, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, айниқса, иқтисодий соҳадаги манфаатлари ҳисобланади. Шахс иқтисодий хавфсизлигининг субъектлари қуйидагилар ҳисобланади: – шахс, яъни ҳар бир инсоннинг ўзи. Бунга сабаб инсон ҳаёт фаолиятига раҳна, хавф солувчи таҳдидларнинг асосий қисми субъектив тавсифга эга бўлиб, уларни шахснинг ўзи бартараф этиши мумкин.

Жамиятнинг ижтимоий институтлари шахснинг баъзи ҳуқуқларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аралашувисиз ҳам кафолатли амалга оширилишини таъминлаш имкониятига эга бўлади; – давлат. Давлат ўзининг ҳар бир фуқаросини мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида ҳам ҳимоя қилишни кафолатлайди. Шахс манфаатлари, хавфсизлигига таҳдидлар кўп қиррали бўлиб, улар энг умумий тарзда қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– шахснинг ўз олдида нотўғри мақсадларни қўйиши, уни белгилашда хатога йўл қўйиши; – бошқа, ташқи ижтимоий-иқтисодий тизимлар таҳдиди;

– ички ижтимоий-иқтисодий тизимда вужудга келадиган таҳдидлар; – табиий тавсифдаги таҳдидлар.

Соҳа олимлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлигига турлича таъриф бериб ўтганлар. Хусусан, Ю. Кочеврин фикрича, кичик ва ўрта ишлаб чиқаришнинг беқарорлиги унинг асосий сифат мезони ҳисобланади: «Кичик ва ўрта ишлаб чиқаришнинг асосий хусусияти унинг беқарорлигидир. Бу беқарорлик айниқса, капитализмнинг монополистик босқичида кучаяди». Кўриниб турибдики, бу таъриф ўша пайтдаги социалистик мамлакатлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда берилган. Гап шундаки, социализмда кичик ва ўрта тадбиркорлик нафақат тан олинмаган, балки қонун билан тақиқланган. Шу муносабат билан муаллиф унинг беқарорлигига алоҳида урғу беради. Хусусан, олимлар О.Арефиева ва Т.Кузенов тадбиркорлик соҳасида иқтисодий хавфсизлик



тушунчасини корхона ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати ҳамда ташқи ва ички таҳдидларнинг олдини олиш, узоқ муддат бозорда яшаб қолиш ва барқарор ривожланишни таъминлашга имкон берадиган бозор потенциалидан келиб чиққан ҳолда белгилайдилар. Россия Федерацияси ва Европа Иттифоқида иқтисодий хавфсизлик соҳасида танилган йирик олим, иқтисодий хавфсизлик ва бизнес бошқарув бўйича профессор Р.Смелик эса Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги ҳақида “...тадбиркорликда муаммо ва таҳдидларнинг олдини олиш ва унинг барқарор ишлашини таъминлаш учун ресурслардан самарали фойдаланиш ҳолатидир” дейди. У ўз фикрини давом эттирар экан “Тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликнинг асосий мақсади унинг барқарор ва максимал даражада самарали ишлашини таъминлаш ва келажакда бизнеснинг ривожланиши ва ўсиши учун юқори салоҳиятни таъминлашдир” деб фикрини яқунлайди. Л. Юрович компаниянинг иқтисодий хавфсизлигини корхонани ташқи ва ички муҳитнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, турли таҳдидларни тезда бартараф этиш ёки корхона учун салбий оқибатларсиз ташқи шароитларга мослашиш қобилияти деб ҳисоблайди.

Н.Капустин ва М.Бендиковларнинг илмий ишларига мурожаат қилсак, Н.Капустин тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлиги – молиявий мустақилликни, барқарорликни, беқарорлаштирувчи омиллар таъсирида тараққиётга эришишни таъминлайдиган омиллар йиғиндиси эканлигини исботлайди. М. Бендиков эса тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлиги унинг илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ва кадрлар салоҳиятини бевосита ва билвосита таҳдидлардан ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлайди. Иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳ.Абулқосимовнинг фикрича “Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги – тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтимоий иқтисодий ва муҳандислик-техник тавсифдаги чора тадбирлар тизими туфайли вужудга келган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларнинг ички ва ташқи хавфхатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир” дейди. Иқтисод фанлари номзоди, доцент П.Хошимов “Тадбиркорлик фаолияти хавфсизлиги деганда, тадбиркорлик фаолияти субъекти амал қилишининг барча босқичларида, биринчи навбатда, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа салбий оқибатларга олиб келувчи ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофаза қилинганлигини тушуниш лозим” эканлигини таъкидлайди. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигига корхонанинг ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлари, ташкилий алоқалари, моддий ва интеллектуал ресурслари сезиларли даражада таъсир кўрсатади, бунда унинг фаолиятининг барқарорлиги, молиявий барқарорлик, тижорат муваффақияти, самарали илмий-техник ривожланиш кафолатланади. Шахс иқтисодий хавфсизлигининг таркибий элементлари (компонентлари) ва уларга хавф солувчи таҳдидларнинг бирмунча кенг қамровли классификацияси О.А.Степичева, В.В.Чернова, М.А.Котельниковалар томонидан ишлаб чиқилган. Улар шахснинг иқтисодий хавфсизлигининг озиқовқат ва уй-жой



билан таъминланиш, аҳолини такрор ишлаб чиқариш, ҳуқуқбузарлик, соғлиқни сақлаш, экология, меҳнат муносабатлари, маданият ва таълим, ахборот билан таъминланиш, даромадлар бўйича табақаланиш ва молиявий хавфсизлик соҳаларидаги шакллари ҳамда уларнинг ҳар бирига хавф солувчи таҳдидларни тавсифлаганлар.

Илмий мақолани ёритишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги таниқли олимларнинг илмий асарлари, уларнинг мазмун, моҳияти ўрганилиб, мазкур секторни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришни ифодаловчи мавжуд кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинди. Шу билан бирга, тадқиқот жараёнида мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик ҳамда қиёсий таҳлил каби усуллари қўлланилган. Мавзунини ёритишда илмий техникавий ахборот манбаларидан, яъни дарсликлар, ўқув қўлланмалар, хорижий адабиётлар, даврий матбуот, тадқиқот ҳисоботлари, илмий-амалий анжуман тўпламлари ва интернет маълумотларидан фойдаланилди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва мазкур секторни давлат томонидан тартибга солиниши янада фаоллашиб бормоқда. Мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг тобора кенгайиши кичик бизнес субъектларининг рағбат асосидаги фаолиятини таъминлашга олиб келмоқдаки, деярли барча тармоқлардаги кичик бизнес субъектлари йилдан-йилга микдор жиҳатидан ортиб бормоқда. Мамлакатда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларни эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга ошаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз аксини топган. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида “иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш”дек устувор вазифалар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни тадбиқ этиш шу кундаги ислохотларимизнинг мазмунини касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bland David, Insurance: Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute, 1993, ISBN 1-85369-112-7, page 26.



2. Shennaev X. O'zbekiston su'gurta bozori. Toshkent, Iqtisod-Moliya nashriyoti, 2013. – 130-bet.
3. Tukhtabaev, J. S., Botirov, E. X., Xasanov, N., Uktamov, K. F., & Rakhimov, I. I. Jamshid Sharafetdinovich Tukhtabaev-Prospects for the establishment and development of fat clusters in food safety.
4. Patra, I., Ansari, M. J., Emad Izzat, S., Uktamov, K. F., Abid, M. K., Mahdi, A. B., ... & Sharma, H. Synthesis of efficient Co-MOF as reusable nanocatalyst in the synthesis new 1, 4-dihydropyridine derivatives with antioxidant activity. *Frontiers in Chemistry*, 943.
5. Tukhtabaev, J., Jalilov, I. X., Uktamov, K. F., Kukhar, V. S., & Neverova, O. P. NECESSITY OF USING INTERNAL AUDIT SERVICE IN ECONOMIC ENTITIES. *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (8), 393-397.
6. Тухтабоев, Д., Разакова, Б., & Уктамов, Х. (2020). THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN ENSURING THE ECONOMIC SECURITY OF THE COUNTRY.
7. Uktamov, X. (2020). Korxonalarining iqtisodiy xavfsizlik tizimini tashkil etishning nazariy asoslari. *Архив научных исследований*, (21).
8. Uktamov, X. (2020). МЕХАНИЗМЫ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ. *Архив научных исследований*, 34.
9. Уктамов, Х. Ф. (2022). КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТУШУНЧАСИГА НИСБАТАН ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР. *YANGI O'ZBEKISTONDA MILLIY TARAQQIYOT VA INNOVASIYALAR*, 15-18.
10. Uktamov, K. F. (2022). THE ECONOMIC SECURITY OF THE STATE: THE INSTITUTIONAL ASPECT. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(6), 1626-1633.
11. Уктамов, Х. Ф. (2022). КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1).
12. Уктамов, Х. Ф. (2022). САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ. *Архив научных исследований*, 2(1).
13. Uktamov, K. F. (2021, July). FACTORS AFFECTING THE SUSTAINABILITY OF" UZKIMYOSANOAT" IN UZBEKISTAN. In *E-Conference Globe* (pp. 281-282).
14. Nazarova, S. A., Mirzarahimov, B. H., Narmanov, U. A., Ortikov, O. H., & Uktamov, K. F. (2021). The Role Of Uzbek Tourism Culture And Its Historical And Cultural Transformation Processes In Economic Development. *Int. J. Of Aquatic Science*, 12(3), 2776-2785.
15. Baratova, D. A., Khasanov, K. N., Musakhonzoda, I. S. O., Tukhtarova, M. Y. Q., & Uktamov, K. F. (2021). Econometric Assessment of Factors Affecting the Development of Life Insurance in Uzbekistan. *REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS*, 11(2), 1123-1138.



16. Уктамов, Х. Ф. (2017). Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик тизимини ташкил этишнинг назарий асослари “Ўзбекистон иқтисодиётининг инноватцион ривожланиши доирасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг долзарб муаммолари” мавзусида республика илмий-назарий конференцияси 2017 йил 14-декабр, Тошкент ш. *Тошкент давлат иқтисодиёт университети*.

17. Уктамов, Х. Ф. (2018). Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-назарий жихатлари. *Бизнес-Эксперт журнали*, 7.

18. Salah Aldeen, O. D. A., Mahmoud, M. Z., Majdi, H. S., Mutlak, D. A., Fakhriddinovich Uktamov, K., & Kianfar, E. (2022). Investigation of Effective Parameters Ce and Zr in the Synthesis of H-ZSM-5 and SAPO-34 on the Production of Light Olefins from Naphtha. *Advances in Materials Science and Engineering*, 2022, 1-22.